



КУЧ-АДОЛАТДА

2013 йил
12 апрель,
жума
№ 15 (424)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мустақиллик

Йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг бўлаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари самарасида юртимизнинг барча ҳудудлари беқийс даражада ўзгарди. Шаҳарларимиз меъморий қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланмоқда. Иморатлар бир-бирини такрорламайдиган лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Ўз навбатида қишлоқларимизда бунёд этилаётган қулай, шинам ва замонавий уйлар кўрган кишининг ҳавасини келтиради. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда имзоланган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарори асосида бошланган бунёдкорлик ишлари тобора жадаллашмоқда.



ОБОД ЮРТИМИЗНИНГ ФАЙЗЛИ ХОНАДОНЛАРИ

Ўзида миллий анъаналаримиз ва замонавийликни уйғунлаштирган ва намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган тураржойлар қишлоқларимиз кўркамга кўрк, чиройига чирой қўшмоқда. Утган вақт мобайнида юртимиз бўйлаб 23 мингдан зиёд оила ана шундай янги уй-жойга эга

бўлди.

2012 йили мамлакатимизнинг 272 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 8510 уй-жой қурилди. Янги массивларда ўн та мактаб, ўлтизга яқин қишлоқ врачлик пункти, етмишдан зиёд маҳалла гузари, юздан ортиқ савдо мажмуаси, ўлтизга яқин мини-

банк, ўлтиз бешта дехқон бозори, бир юз йигирмадан ортиқ ишлаб чиқариш цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари бунёд этилди.

Бу жараёнда "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Компаниямиз уй-жой бо-

зорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш, ажратилган ер массивлари, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятга эга объектлар, муҳандислик инфратузилмалари таркиби ва тузилмасини танлаб олиш бўйича таклифлар тайёрлайди, — дейди "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси-

нинг бош муҳандиси Мўминжон ҚОДИРОВ. — Бундан ташқари қишлоқ аҳоли пунктларида яқка тартибдаги уй-жойлар ва бошқа объектларни "тайёр ҳолда топшириш" шартларида буюртмачи, назоратчи ҳамда молиялаштирувчи вазифаларини бажарамиз.

(Давоми тўртинчи бетда)

Инсон, унинг ҳаёти ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари қонун ҳимоясида бўлиб, уларга зарар етказиш, албатта, жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар фуқаро соғлиғига зарар етказилганда, нафақат шу зарарни, балки у билан боғлиқ бошқа зарарларни қоплаш ҳам қонунчиликда назарда тутилган. Бу меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотиш оқибатида иш ҳақидан маҳрум бўлишда, шунингдек, соғлиқни тиклаш учун зарур бўлган қўшимча харажатларда ифодаланади.

Фуқаролик кодексининг 985-мод-

Нуқуқ ва бурч

Инсон манфаатлари — доимий муҳофазада

дасига кўра, гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган

шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Меҳнат қобилиятини қисман йўқотган жабрланувчи зарарни тўлаш мажбурияти юкланган шахсдан ис-талган вақтда уни талаб қилиб, агар

меҳнат қобилияти соғлиғига етказилган шикаст туфайли кейинчалик ёмонлашса, зарар миқдорини тегишлича кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.

(Давоми иккинчи бетда)

Солиқларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ундирилиши мамлакат иқтисодийнинг барқарор ривожланишини ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва муҳофаза қудратининг ошишини таъминлайди. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Burch va mas'uliyat

Иқтисодий барқарорлиги

солиқ мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишига ҳам боғлиқ

Президентимизнинг 2009 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида"ги қарорига асо-сан, бир қатор солиқ турлари бўйича солиқ ставкалари па-

сайтирилиб, ҳўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қўшимча манбалар ҳосил бўлишига имконият берилиши билан бирга, солиқ ундиришнинг янги механизми ҳам жорий этилди.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Ер — умуммиллий бойлик

ундан оқилона фойдаланиш барчанинг бурчидир

Маълумки, Асосий қонунимизга мувофиқ, ер — умуммиллий бойлигимиз саналиб, уни асраб — авайлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ердан фойдаланиш, умуман олганда, ер билан боғлиқ барча муносабатлар Ер кодекси ва бошқа ҳуқуқий — меъририй ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, ажратиб берилган ер участкасига бўлган ҳуқуқ кўйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланади: ер участкасидан давлат ордери; ер участкаси берувчи давлат ҳужжати; ер



участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати; ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери; ер участкаси ижараси шартномаси ёки ер

участкасидан муддатли фойдаланиш шартномаси; ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома;

(Давоми иккинчи бетда)

Tarix va bugun

Буюк аждодлар меросига муносиб ворислик

Юртимизда ҳар йили буюк аждодимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллууд санаси кенг нишонланади. Соҳибқирон бобомиз номи, фаолияти билан боғлиқ тадбирлар алоҳида кўтаринки руҳда ўтади. Бу йил ҳам юрtdошларимиз бобокалонимизнинг 667 йиллик тўйини кенг нишонлади.



Ҳа, Соҳибқирон Амир Темур номи, унинг сиймоси халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни барпо этишда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлаб турибди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кимки ўзбек но-

мини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашариёт ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Суд буйруғи институтини амалда самарали қўлланилмоқда

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида фуқаролик процессуал қонунчилиги такомиллаштирилиб, судларда фуқаровий низоларни қонуний ҳал этиш бирмунча соддалаштирилди. Бинобарин, низолиқ талаблар бўйича суд муҳокамасини соддалаштириш мақсадида суд буйруғи институтини жорий қилинди.

Суд буйруғи институтини биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг алоҳида бир тури бўлиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 238²-мод-

дасига асосан, суд муҳокамаси талаб қилинмайдиган ишлар юзасидан чиқариладиган, ижро ҳужжати кучига эга бўлган суд ҳужжати ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

Бозор шароитида фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатлар асосан шартномалар орқали амалга оширилади. Амалдаги қонунчиликда бу борадаги муносабатлар қарз шартномаси билан тартибга солинади.

Mas'uliyat va majburiyat

Фуқаролар ҳуқуқлари ҳимояси

бунда шартнома муносабатлари ҳам муҳим ўрин тутди

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 732-моддасига асосан, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки

бўлиб-бўлиб, шунча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Аксинча, жабрланувчининг меҳнат қобилияти зарарни ундириш белгиланган пайтдагидан яхшиланса, уни қоплаши лозим бўлган шахс зарар миқдорини тегишлича камайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган ташкилот ёки корхона қайта тузилган тақдирда, тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти

воси, агар жиноят иши кўрилатганида арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, фуқаролик суд ишларини юришти тартибда кўриш учун тақдим этилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддасига биноан, даъвогар судга даъво аризаси билан муурожаат қилганда ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни келтириши унинг мажбурияти ҳисобланади.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зеро, Амир Темур Ватанимизнинг нафақат кечмиши, балки бугуни ва эртасида ҳам беҳад юксак ўрин тутди. Бундан олти аср илгари қонунлар ва урф-одатларга асосланган давлат барпо этган Соҳибқирон салтанатида «Куч — адолатда» шиори устувор бўлган. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданок мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсад қилиб қўйилгани, қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилгани, шу йўлдан собитқадамлик билан олға одимлаётганимиз бизнинг аждодларнинг аслар синовидан ўтган улкан ибрат намунасига бўлган эҳтиромимиз, уларга муносиб авлод бўлишга интилаётганимизнинг амалий ифодасидир.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темур ўз элини мўғуллар исканжасида батамом қутқариб, тарқоқ худудларни бирлаштириб, халқининг тинч-осуда ҳаёт кечириши учун улкан ишларни амалга оширган. Бу Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда мустақил миллий давлатчилигимизнинг шакллантирилиши, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча имкониятлар ишга солингани, тинчлик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган ишлари билан уйғунлигини узоқ ўтмишимиз ва яқин тарихимизга назар солган киши даровр аниқлайди.

Дарвоқе, Соҳибқирон Амир Темурдаги бой ва чуқур тафаккур, ўткир иқтидор, умуман олганда, унинг шахсий фазилатлари, жумладан, халқпарварлик, довораклик, ташаббускорлик, ўз юртига меҳр-муҳаббат, давлатлар билан муносабатларда тенглик, динлараро бағрикенгликни йўлга қўйиши бизнинг бугунги миллий давлатчилигимиз мақсад-муддаоси, уларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаларида ҳам чуқур мужассам топган.

Айниқса, Ватанимизнинг сўнги йигирма йиллик тарихида ана шундай эзгу мақсадлар йўлида оламшумул ишлар амалга оширилди. Қисқа даврда мамлакатимизда асларга татиғулик яратувчанлик, бунёдкорликлар рўйбга чиқарилди. Халқаро майдонда ўзимизнинг мустақам ўрнимизни эгаллаганимиз ҳам айнан Амир Темур бобомиз бошқарган давлатчиликка хос қатъиятлик, узокни кўзлаб иш тутиш каби сиёсатнинг инъикоси ҳозирги даврда мужассамлашгандек кўринади.

Француз олими Марсел Бриан-

Tarix va bugun

Буюк аждодлар меросига муносиб ворислик

нинг «Менким, соҳибқирон — Жаҳонгир Темур» деб номланган асаридagi бир воқеликни келтириш орқали фикримизни яна аниқ ифодаламоқчимиз. Қайд этишига кўра, Амир Темур Дашти Қипчоқдан галабани кўлга киритиб Каспий денгиздан ўтиб Мовароуннаҳр йўналишига келаётганида (савр ойи — май) йўлда чигирткалар қунига дуч келган. Яъни ниҳоятда кўп, осмонни қоплаган ҳолда учаётган зараркундаларни кўриб юртидаги бог ва экинзорларга зарар етганини пайқаган ҳамда «мамлакатда йўқчилик ва етишмовчилик вужудга келгани»га ишонч ҳосил қилган. Дарҳақиқат, Амир Темур Самарқандга етиб келганида «чигирткалар нафақат ўсимликларни, балки дархтларнинг барглари ҳам битта қолдирмаганига» гувоҳ бўлган. Шу сабаб сотувда бир дона ҳам галла бўлмай, халқ хавотирга тушиб қолганди. Хуллас, халқ табиий офатга дуч келиб, ҳосил олишининг умуман илоҳи йўқлиги сабабли очарчиликка дуч келинган, чорва моллар қирилиб кетиши аниқлиги, экин экиш вақти ўтиб кетгани учун аҳоли чорасиз қолган пайтда Соҳибқирон Амир Темур мамлакатдаги аҳволни чуқур таҳлил қилган ҳолда июнь ойида, яъни саратон бошланганда зудлик билан галла экин ҳақидаги қарорини халққа эълон қилади. Хазинадан жуда кўп миқдорда маблағ ажратиб, уруғлик дони сотиб олинишига шароит яратади. Таваккалчилик асосида экилган экинни суғориш ишларини ўзи назорат қилиб боради. Сувдан тежаб-тергаб фойдаланилиши оқибатида жуда қисқа муддатда, яъни уч ойда бугдой йиғиштирилиб, халқ очарчиликдан сақлаб қолинган.

Мақур воқелик мустақиллиқни кўлга киритган пайтимида, яъни 1991 йилдаги иқтисодий ночорлик, айниқса, озиқ-овқат тақчиллигини ёдга солади. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасида бу



ҳолат аниқ ифодаланган: «Азиз дўстлар, биродарлар, ўша қалтис ва мураккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган бугдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очарчилик оstonасига келиб қолганини ўзимизга бир тасавур қилайлик».

Ўшанда давлатимиз раҳбарининг оқилона ва изчил йўл-йўриқлари самарасида жуда қисқа муддатда аҳоли ҳаёти учун энг зарур озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари бозорлар пештахтасига лиммо-лим қилинди. Аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиб берилди. Натижада қишлоқлардаги хар бир хонадонда хирмонлар донга, тандирлар нонга тўлди. Кейинчилик пахта майдонларини қисқартириш эвазига галла майдонлари кенгайтирилгани мамлакатимизнинг галла мустақиллигини кўлга киритиши учун замин ҳозирлади.

Ободлик, бунёдкорлик, яратувчанлик, бог-роғлар яратиш, илму маърифат, маънавиятга кенг йўл бериш Амир Темур салтанатини безаган амаллардан эди. Унинг Шахрисабзни гўзал шаҳарга айлантиргани, Самарқандда бетакрор обидалар бунёд этгани, илм-фан аҳлига ҳомийлик қил-

гани шуни тасдиқлайди. Бундай хайрли ишлар юртимизда бугун ҳам давом этаётир. Истиқлол йилларида қад кўтарган муҳташам бинолар, саройлар, шаҳар-у қишлоқларимиздаги зиё масканлари, маънавиятимиз учоғи ва сарчашмаси ҳисобланган мактабу, коллежлар, лицейлар ва олий ўқув юр்தларининг нафақат ташқи кўриниши, балки мазмун-моҳияти тубдан ўзгариб, янгилангани каби кўпдан-кўп ишлар шундан далолат.

Хулоса ўрнида айтиш ўринлики, мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг пойдевори ўтмиш давлатчилигимиз, жумладан, Амир Темур давридаги давлатчилигимиз пойдевори билан туташган ҳолда ҳозирги даврга хос моҳият билан йилдан-йилга бойиб бормоқда. Инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган бугунги давлатчилигимизнинг янада қудратли ва буюк бўлиши учун Юртбошимиз атрофига жиқлашган ҳолда келажакимизни, янада қароқ ва ҳаётимизни фаровон бўлишига хар биримиз масъулмиз.

Мавжуда РАЖАБОВА,
сенатор

Huquq va burch

Инсон манфаатлари — доимий муҳофазада

унинг ҳуқуқий вориси зиммасида бўлади.

Бундан ташқари қонунчилигимизда маънавий зарар тушунчаси ҳам мавжуд. Бу фуқарога тегишли бўлган номоддий манфаатларга, жумладан, унинг ҳаётига, қадр-қиммати, соғлиғига, ишчанлик обрўсига, шахсий ҳаётининг дахлсизлигига, шахсий ва оилавий сирларига, муаллифлик ҳуқуқига бошқа шахс томонидан дахл қилиниши оқибатида етказилади.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришда Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»-ги қарори муҳим аҳамият касб этади. Маънавий зарар уни етказишда айбдор бўлган жавобгарлар томонидан қопланган ҳолда уни қоплаш номоддий бўшлиқларни ва номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Шунингдек, етказилган зарарлар тўғрисидаги фуқаролик ишининг судловга тааллуқлилиги қондасига кўра, жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик даъ-

Масалан, даъвогар А.Текбаева судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, жавобгар Конимех тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонасига нисбатан моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Иш ҳолатларига кўра, жавобгар Конимех тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ходими Е.Буханбаев бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган. Мархумнинг сууда туриб насоснинг қувурини ушлаб тургани боис беҳосдан электр токи таъсирига тушганлиги натижаида вафот этганлиги аниқланган.

Суд ушбу ишни атрофлича ўрганиб чиқди ва жами 10 миллион сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Хулоса қилиб айтганда, зарарни қоплашда суд барча жиҳатларни эътиборга олиб, адолатли хулосага келган. Суд амалиётида маънавий зарарни қоплашда жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий зарарлар хусусияти, шунингдек, тоvon тўлашга асос бўлган ҳолатларнинг эътиборга олиниши фуқароларнинг бу борадаги ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлайди.

Л.ТОШМУРОДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманлараро судининг раиси

Fuqarolik qonunchiligi

Ер — умуммиллий бойлик

ундан оқилона фойдаланиш барчанни бурчидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 27 майда рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 1-иловасида кўрсатилган ҳужжатлар.

Айтиш жоизки, ҳаётда айрим фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги оқибатида, оғзаки равишда, айрим ҳолларда эса, оддий ёзма шаклдаги тилхат бериш йўли билан ер участкасини олди-сотди қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ер кодексининг 16-моддасига асосан ер давлат мулки — умуммиллий бойлиқдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у



давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳада этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Шу ўринда фикримизни суд

амалиётдаги мисоллар билан давом эттирайлик. Судга даъвогар М.Нуралиева жавобгар А.Фархатовга нисбатан даъво аризаси билан муурожаат қилиб, мархум турмуш ўртоғининг номига берилган ер майдонига жавобгар томонидан

қурилган иморатларни бузиши ва ер майдонини жавобгарнинг ноқонуний эгаллигидан ўзига қайта олиб беришни сўраган. Суд мажлисида жавобгар А.Фархатов ер майдонини мархум К.Нуралиевдан сотиб олганлигини, бу ҳақда К.Нуралиев тилхат ёзиб берганлигини, сотиб олгандан сўнг ушбу ер майдонига уй-жой қурганлигини маълум қилиб, даъвоини рад этишни сўраган.

Аниқланишича, М.Нуралиева ва К.Нуралиевлар 1980 йил 17 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган.

Шаҳар ҳокимининг 1998 йилдаги қарорига асосан К.Нуралиева 600 кв.м.дан иборат ер майдони ажратилган ва К.Нуралиев оила аъзолари билан ушбу ер майдонидан фойдала-

ниб келган. 2009 йилда К.Нуралиев вафот этган.

Гарчанд жавобгар А.Фархатов ер майдонини сотиб олганлигини таъкидласа-да, суд ер майдони даъвогар билан К.Нуралиевнинг никоҳда бўлган даврида берилганлигини, юқоридаги қонун талабларига кўра, ер участкасини олди-сотди қилинмаслигини ва ер майдонини бу тартибда сотиш фойдасиз қонуний эканини, Ер кодексининг 91-моддаси талабларига асосан, ер участкасига жавобгар томонидан қурилган иморатларни ўзбошимчилик билан қурилган деб ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда даъвоини қаноатлантирди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишда амалдаги қонунчилигимизга қатъий риоя этиш лозим. Зеро, ўзбошимчилик билан турли иморатлар қуриш, ердан ноқонуний фойдаланиш ортқича оворагарчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Ж.КАРАБОВЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг раиси

Maslahat

Таржима қилинган ҳужжат

уни нотариус қандай тартибда шаҳодатлайди?

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси 8-банди, Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда тасдиқланган «Нотариуслар томонидан нотариал харақатларнинг амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 26-бўлими 300-301-бандларига асосан, нотариус тегишли тилларни билса, бир тилдан бошқа тилга қилинган таржимани ўзи томонидан шаҳодатлаши мумкин.

Агар нотариус тегишли тилларни билмаса, таржима таржимон томонидан қилинади. Нотариус эса, унинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Таржима нотариусга маълум бўлган ва тегишли тилни биладиган таржимон томонидан қилиниши керак. Таржимоннинг тегишли тилни билиши унинг дипломи ёки махсус маълумотга эга эканлиги ҳақидаги сертификат ёхуд тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланади.

М.АБДУРАХМОНОВ,
Наманган шаҳар 10-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Мамлакатимизда барча соҳаларда энг замонавий технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланилаётгани муваффақиятларимиз бардавомлигини таъминламоқда. Дарҳақиқат, эндиликда нафақат давлат ва жамоат органларининг фаолиятини, қолаверса, қундалик турмушимизни ҳам замонавий технологиялар, айниқса, компьютер воситаларисиз тасаввур этолмаймиз.

Бироқ шундай илгор техника воситаси ёрдамида айрим бадният кимсалар ўзларининг қабих қилишларини амалга оширишга уринаётгани ачинарлидир. Тўғри, тергов ва суд амалиётига оид таҳлиллар компьютер воситасида содир этилган жиноятлар мамлакатимизда бошқа давлатларга нисбатан кам эканини кўрсатади. Аммо айрим кимсаларнинг компьютер воситасида қабих қилмишга қўл ураётгани кам бўлса-да, учраб туради. Ушбу жиноятларга барҳам бериш ва бунга қарши курашиш, уларга доир тергов тактикасининг ил-

мий-техник асосларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бугунги давр тақозосидир. Келинг, фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирайлик.

Боғотлик Муроджон Отамуродов эндигина 22 ёшга қадам қўйган. Бу навқирон йигит ҳалол меҳнати, яхши хулқ-атвори билан обрў-эътибор қозонишга қодир эди. Афсуски, у бунга интилмади, қинғирлик йўлини тутди. Эҳтимол, бунга Мурод вояга етган етган хонадондаги муҳит ҳам сабаб бўлгандир. Гап шундаки, Муроджон ота тарбиясидан мосуво ўсди. Турмуш ўртоғидан ажраш-

гач, Муроднинг онаси Гавҳар Сафоева хорижга кетди. У ўғлининг номига вақти-вақти билан пул юбориб турар, Муроджон эса, уларни банкдан қабул қилиб оларди. Онаси юбораётган пулга мазахўрак бўлган Муроджоннинг иштаҳаси кун сайин очилаверди. Шу тариқа у фуқароларнинг ўз қариндошлари номига юборган маблағини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзлаштириш сингари қабих қилмиш тўғрисида бош қотира бошлади.

У ана шундай нопок мақсадда Агробанкнинг Боғот тумани филиалидан онаси юборган пулни

олиш чоғида тўлдирлиши лозим бўлган бланка ва бошқа ҳужжатлар нусхаларини кўлга киритди.

Қулларнинг бирида бу олғир кимса «Золотая корона» пул ўтказмаси орқали Бекмуродов Элмурод Омонович номига 3.800 АҚШ доллари миқдоридан пул жўнатилганидан хабар топади ва уни кўлга киритишнинг жиноий режасини тузади. Шу ниҳоятда у банк ҳужжатларини сохталаштириб, хориждан ҳатто ўзи танимайдиган шахслар номига келаётган пуллари ўзлаштиришга киришади. Бироқ унинг жиноий фаолияти узоққа чўзилмади, қинғир иш охир-оқибат фош бўлди.

Saboq

Билимни эзгу ишга

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судлари томонидан 2012 йилда жами 681.411 та ариза юзасидан суд буйруғи чиқарилган.

Айтиш керакки, фуқаролик процессуал қонунчилигида суд буйруғи чиқариш тартибидан иш юритиш қоидалари аниқ белгилаб қўйилган. Бу жараён қуйдаги тўрт босқичдан иборат бўлиб, ишни қўзғатиш, буйруқ чиқариш, буйруқ чиққанлиги ҳақида қарздорни хабардор қилиш ҳамда буйруқни ундирувчига бериш ёхуд уни бекор қилишдир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 238^б-моддасига биноан суд буйруғи қуйдаги ҳолларда чиқарилади:

1) агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;

2) агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса;

3) агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса;

4) агар ҳисобланган, лекин ҳодимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса;

5) агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса.

Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар талабнинг мазмунидан келиб чиқиб, турлича бўлиши мумкин. Агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса, қарз ундирувчи ўз

Islohot va samara

Суд буйруғи институти

амалда самарали қўлланилмоқда



аризасига ўша битимнинг асл нусхасини ҳамда келишув шартларини ижро этмаганлик ёхуд бузганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилади.

Жисмоний шахслардан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги аризага шундай қарзларни мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим. Ўз навбатида, солиқ тўловчига у солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш юзасидан жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлигидан қатъий назар, талабнома юборилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 238^а-моддасига мувофиқ, суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза берганлик учун қонун ҳужжатларида даъво иши юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади. Ундирувчи томонидан тўланган давлат божи аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда қайтариб берилади, суд буйруғи бекор қилинган тақдирда эса, қайтариб берилмайди. Ундирувчи томонидан тўланган давлат божи, ундирувчи қарздорга даъво иши юритиш тартибидан даъво тақдим этган тақдирда, тўлаиши лозим бўлган бож ҳисоби-

га ўтказилади.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этишнинг умумий асослари Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддасида, махсус асослари эса, ушбу кодекснинг 238^б-моддаларида аниқ белгилаб қўйилган.

Унга қўра, суд томонидан буйруқ чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилмаслик учун асос йўқ деб топилган, судья уч кун ичида ҳеч қандай муҳокамасиз ундирувчи ва қарздорни чақирмасдан, суд йиғилиши доирасидан ташқарида, аризадаги талабнинг мохияти бўйича буйруқ чиқариши шарт. Суд буйруғи судья томонидан имзоланади.

Айтиш жоизки, суд буйруғи мазмун жиҳатидан суд қароридан фарқ қилади: у фақат икки — кириш ва хулоса қисмидан иборатдир.

Шуни унутмаслик лозимки, қарздор суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида буйруқни чиқарган судга арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини юборишга ҳақли.

Мухтасар қилиб айтганда, суд буйруғини чиқариш тартиби жорий қилинганидан буён фуқаролар ўртасида низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ўз вақтида, ортиқча ҳужжатларсиз, чиқимларсиз, соддалаштирилган тартибда ҳал этиш имкони кенгайтирилади. Бу, албатта, ортиқча овозгарчиликлар, беҳуда вақт йўқотишнинг олдини олибгина қолмай, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ш. РАҲАБОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

Burch va mas'uliyat

Иқтисодиёт барқарорлиги

солиқ мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишига ҳам боғлиқ



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини кафолатлаш мақсадида жаҳон тажрибасини ва солиққа тортишнинг синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида янги Солиқ кодекси қабул қилинди. Солиқларни бошқаришнинг замонавий метод ва механизмлари жорий этилди, солиқ идораларининг яхлит тизими яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 8 январда қабул қилинган «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган 2010 йил 15 сентябрдаги «Давлат солиқ хизмати органлари тизимини янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун маънавиятини модернизация қилиш, жамиятимизни янгиллаш, иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ўсиши ва унинг макротиқсодий мутаносиблигини таъминлашга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорликнинг изчил ривожланишига кафолат ва имтиёзлар берадиган сиёсатни давом эттириш, республика солиқ органлари фаолиятини такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, солиққа оид қонунчилик аҳоли ўртасида изчил тушунтириб борилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судлари томонидан 2011 йил декабрда 157 нафар шахсга нисбатан 88 та солиқ оид жиноят иши қўрилган бўлса, 2012 йилда 145 нафар шахсга нисбатан 69 та жиноят иши қўрилган. Бу солиқ ва мажбурий тўловлар билан боғлиқ қўрилган ишлар 30 фоизга камайганлигини кўрсатади.

Аммо ҳаётда шахсий манфаатини кўзлаб, солиқларни

Шунингдек, Д.Фофуров қорхона ва ташкилотларга олдиндан 15 фоиз тўловсиз жами 213.769.455 сўмлик маҳсулотларни бериб юборган. Натижада Д.Фофуров амалдаги Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисмида, 208-моддасида ва 205-моддаси 2-қисми «а», «в» бандларида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа шаҳар суди Д.Фофуровга тегишли жиноят ишини атрофлича қўриб чиқиб, унга қонуний жазо тайинлади.

Кўриниб турибдики, ҳар бир шахс зиммасидаги мажбуриятларини, хусусан, солиқларни ўз вақтида тўлаб бормаса, бу жавобгарликни келтириб чиқаради. Шундай экан, зиммадаги бурчни ўз вақтида адо этиш мақсадга мувофиқдир.

Т. МЕЛИБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судьяси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорининг 21-бандига қўра, қарз берувчи юридик шахс бўлганда ёки фуқаролар ўртасида тузилган қарз шартномасининг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлган ҳолларда қарз шартномасининг оддий ёзма шаклда тузилиши талаб қилинади. Агар қарз шартномаси ёзма шаклда тузилмаган бўлса, Фуқаролик кодексининг 109-моддаси 1-ва 2-қисмига мувофиқ тарафларни қарз шартномаси тузилганлигини ва унинг шартларини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади, аммо бу уларни ёзма ва бошқа далиллар келтириш имкониятидан маҳрум қилмайди.

Агар пул ёки ашё олганлик факти инкор этилмаса, у ҳолда уни ёзма далиллар билан тасдиқлаш талаб қилинмайди. Ҳар бир тараф ўз талабларини асослаш учун келтирилган ҳолатларни исботлашга мажбур.

Шунга қўра, бир тараф пул ёки ашёни қарз учун берганини тасдиқлаб, иккинчи тараф уни олганини инкор қилмасдан бу пул ёки ашё қарзга эмас, балки ҳада тариқасида берган, деб тасдиқласа, суд пул ёки ашё

Mas'uliyat va majburiyat

Фуқаролар ҳуқуқлари ҳимояси

бунда шартнома муносабатлари ҳам муҳим ўрин тутди

олган тарафдан қарз эмас, балки ҳада шартномаси бўлганлигини тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиши ва шу асосга қўра, низоли ҳал қилиши лозим.

Масалан, даъвогар Искандар Солиқов (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга даъво аризаси билан муружаат қилиб, жавобгар Сарвар Собировга ҳар ойда 15 фоиз устама тўлаш шarti билан жами 45 миллион сўм тилхат асосида қарз берганини, лекин жавобгар икки йилдан буён қарзга олинган пулни тўламасдан келаётганлиги боис қарзни устама ҳақи билан ундириб беришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга қўра, жавобгар Сарвар Собиров 2008 йил 1 августда даъвогардан ҳар ойига 15 фоиз устамаси билан 10 миллион сўм қарз олган ва ўтган вақт учун барча фоизларини тўлашини билдириб, тилхат ёзиб берган. Шунингдек, жавобгар 2009 йил 15 апрелдаги тилхат асосида даъвогардан яна 35 миллион сўм қарз

олган ва бу қарзни 2009 йил 1 ноябрда қайтариб бериш мажбуриятини олган. Бироқ жавобгар кўрсатилган муддат ичида қарзларини тўлаш чораларини кўрмаган.

Суд ишдаги материаллар ҳамда қонун талабидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириб, жавобгар Сарвар Собировдан даъвогар фойдасига қарзни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Фуқаролик кодексининг 734-моддасига асосан, қарз шартномаси қарз бўйича олинган мулкнинг қайтарилишини назарда тутди, қарз суммасига олинган фоизлар миқдори шартномада белгиланади. Агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қарз олувчидан фоизлар ундиришда суд бир вақтнинг ўзида қарз суммасидан давлат фойдасига солиқ ушлаб

қолиши лозим. Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган пул мажбуриятини, шунингдек, қарз мажбуриятини бажармаганлик учун фоизлар, қарз шартномасида белгиланган фоизлардан ҳам ортиқ ҳисобланиши мумкин.

Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади. Агар фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартномада белгиланган бўлмаса, улар асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда тўланади.

Фоизсиз қарз суммаси қарз олувчи томонидан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин. Фоиз эвазига берилган қарз суммаси, агар қарз шартномасида қўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги билан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида та-

лаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариш керак бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ёзма шаклда тузилган қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъволаштириш мумкин эмас, аммо шартнома алдас, зўрлик ишлатиш каби хатти-ҳаракатлар асосида тузилган ва шу тўғрисида тарафларнинг мулклий ҳуқуқлари бузилган тақдирда, қарздор гувоҳлар ёки бошқа асосларга таянган ҳолда ўзини ҳимоя қилишга ҳақли.

Хулоса ўрнида айтганда, фуқароларнинг қарз бериш ёки олишда аввало белгиланган тартибда қарз шартномасини тузиши, уни қонун талабларига риоя қилган ҳолда расмийлаштириши лозим. Бу эса, келгусида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, ортиқча овозгарчиликларга барҳам беради.

Шавкат РАҲМАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг раиси

сарфлаш хайрлидир

қинғир ишга йўналтириш эса, яхшилик келтирмайди

Аниқланишича, М.Отамуродов 2012 йил 7 июнь кунини банк филиалига бориб, сохталаштирилган ҳужжатлар ҳамда фуқаролик паспортнинг нусхасини банк кассирга тақдим этган.


Мақзур ҳужжатлар бир қарашда ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Негаки, барча ҳужжатларда банк масъул ходимларининг 3.800 АҚШ долларини Муроджонга бериш лозимлигини тасдиқловчи имзо-

лари мавжуд эди. Ўз ишига масъулиятсиз қараган кассир бу ҳужжатларни яна бир қарра текшириб кўрмайди. Хуллас, фирибгар кимса нопок йўл билан қўлга киритган бу маблағни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади. Банк ходимларининг имзолари аслида М.Отамуродов томонидан «Самсунг» русумли принтерда сохталаштирилган. Шундан сўнг Мурод жиноят ишларини яшириш

мақсадида жиноят қуроли бўлган принтерни «Урганч дехқон бозоридан» бир нотаниш фуқарога 400 минг сўмга сотиб юборади. Аммо ўзганининг ҳалол пули Муродга буюрмади. Фирибгар тумшугидан илинди.

Суд томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбланган М.Отамуродов қонунда белгиланган жазога ҳукм қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, уч-тўрт кунлик ҳузур-ҳаловатни ўйлаган М.Отамуродов энди узоқ йиллар ўз хатосининг жабрини тортади. У ўзининг компьютер техникасига доир билимларидан эзгу ва



хайрли мақсадлар йўлида фойдаланганда, бундай қўриқчиларга дучор бўлмас, аксинча, ҳурмат ва эҳтиром қозонади.

Олимбой МАШУРИПОВ,
жиноят ишлари бўйича Богот тумани судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, кредит маблағи кафил томонидан пул ўтказиш йўли билан банкка тўлиқ қайтарилса, зарар қолган, деб топилгани ва судланувчига озоодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиши мумкинми?

Олимжон ҲУЛОВ,
Жиззах шаҳри

— Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисмида «Етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланган тақдирда озоодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди» деган рағбатлантирувчи норма мавжуд. Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 9-бандида ҳам бу тўғрисида судларга раҳбарий тушунтириш берилган. Яъни етказилган зарар айбдор ёки унинг қариндош-уруғлари ёхуд кредит шартномасидаги кафил томонидан тўлиқ қопланган тақдирда озоодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган.

Саволга ҳуқуқшунос Д.РАҲИМБЕКОВА жавоб берди.

2013-yil — «Obod turmush yili»

Обод юртимизнинг файзли хонадонлари



(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Компаниямиз аҳоли буюртмалари асосида уй-жой ва бошқа объектларни қуришни пудратчи қуриш ташкилотларига танлов асосида топширади. Бунинг учун яқка тартибда иморат қурувчи яшаш жойи бўйича "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компаниясининг тегишли минтақавий филиалига буюртманомани билан мурожаат қилади. Буюртманомани билан мурожаат қилган аниқ ер участкаси ва намунавий лойиҳа, шунингдек, қуриладиган уй-жой қийматини ўтлаш манбалари кўрсатилади.

"Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компаниясининг филиали бир ишқуни мобайнида буюртманомани кўриб чиқади ва у маълумланган тақдирда, у

кун муддатда шартнома тузилади. "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси буюртмачи сифатида "тайёр ҳолда топшириш" шартин билан намунавий лойиҳа бўйича яқка тартибдаги тураржой биноси қурилиши юзасидан барча ишларни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳа шартномавий нархининг 5 фоиз миқдоридagi маблағлар (кафолат суммаси) уй-жой қурилиши бўйича юзага келиши мумкин бўлган нуқсонларни бартараф этишни молиялаштириш мақсадида инжиниринг компаниясида бир йилгача сақлаб турилади. Агар мазкур муддат ораллиғида уй-жой қурилишида камчиликлар аниқланса ва пудратчида ушбу камчиликларни бартараф этиш имконияти бўлмаса, давлат архитекту-

ра ва қурилиш назорат инспектори иштирокида камчиликлар миқдори қиймати аниқланиб, пудратчининг 5 фоизлик кафолат суммаси ҳисобидан бошқа пудратчи ушбу камчиликларни бартараф этиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 январда имзоланган "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиш тўғрисида"ги қарорига асосан намунавий лойиҳалар асосида индивидуал уй-жойлар қурилишида ишторик этувчилар учун бир қатор имтиёзлар яратилган.

"Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси ва яқка тартибдаги уй-жой қурувчи ўртасида шартнома имзолангандан сўнгра

яқка тартибда уй-жой қурув-

чига ер участкасини ажратиш туман ҳокимининг қарори билан кимосдан савдо-ишторик ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдирилмаган мулк тарзида расмийлаштирилиши, уй-жойлар барпо этиладиган массивларда сув таъминоти объектларини қуриш бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши шулар сирасидандир.

Шунингдек, уй-жой қурилишида ишторик этаётган ва "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси билан шартнома тузган субпудрат ташкилотлари ҳамда қарор иловасига кўра, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар (вилотларда ташкил этилган "Қишлоқ қурилиш сервис" корхоналари) учун

2014 йил 1 январгача солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бир қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилган.

Қишлоқ массивларидаги уй-жойлар қурилиши жараёнида ишторик этаётган барча пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари нафақат уй-жойлар, балки саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини қуришга ҳам

фаол жалб этилиши ва уларнинг солиқ тўловларидан озод этилганлиги уй-жойларнинг таннарих пасайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган массивларнинг ташкил инфратузилмаси ҳам доимий эътиборда. Шу боис

"Ўзтрансгаз", "Ўзбекэнерго" компаниялари маблағлари ҳамда республика бюджет маблағлари ҳисобидан минглаб километрлик

газ ҳамда ичимлик суви тармоқлари, электр энергияси линиялари тортилиб, асфальт йўллар ётқизилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Қишлоққурилишлойиҳа" институти мутахассислари томонидан уч, тўрт ва беш хонадан иборат бир қаватли тураржойларнинг янги лойиҳалари миллий менталитетимизга янада мослаштирилди. Бунда ҳар бир иморат солувчига 0,06 гектардан ер участкалари ажратилиши, шамол йўналиши, ёруғлик тушиши, уйларнинг кенглиги, баландлиги, дарвозахона йўлагининг тепа қисмида махсус айвон, кираверишда эса, автомобиль учун жой бўлиши сингари ҳаётини омишлар эътиборга олинди.

Мамлакатимизда аҳолининг, шу жумладан, қишлоқ одамларининг бахтли ва фаровон турмуш кечиришини таъминлашга қаратилган ислохотлар Обод турмуш йилида ҳам изчил давом эттириламоқда. Жорий йилда юртимиз ҳудудларида умумий майдони 997,1 гектарни ташкил этувчи 353 массивда 10 мингта яқка тартибдаги янги уй-жойлар қуриш ва бу мақсадлар учун 1,4 триллион сўм маблағ йўналтириш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш - бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узок муддатли давлат дастурининг асосий маъномазмунини ташкил этади.

Сайёра ШОЕВА

Ғаройиб олам

Агар эътибор берсак, бизни ўраб турган табиатдаги ҳар бир мавжудот, ўсимликлар дунёси сир-синоатта бойлиги билан кишини ҳайратга солади.

Биз билган ва билмаган дунё

ГУЛЛАРНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

Бундан ташқари табиатда ғаройиб ва бир қарашда, ноодатидек тассурот уйғотадиган ўсимликлар ҳам учрайди.

Куйида ана шундай ғаройиб ўсимликлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Африканинг Намибия мамлакатига ўсадиган, фандан "вельфия" деб ном олган ўсимлик ўзининг антиқа хусусиятлари билан ҳамма бирдек ҳайратга солиб келади. Қизиқ томони шундаки, бу ўсимликнинг танасида бор-йўғи иккита барги бўлади. Бир жуфт барг ҳам, ўсимлик танаси ҳам беҳуш тарзда ўсаверади. Одатда, барглари 4 метргача, баъзан 8 метргача етади. Шу тарзда бу ўсимлик 400 йилдан бери ярим минг йилгача яшashi мумкин.

Бундан ҳам ҳайратланарлиси шундаки, бу ўсимлик умуман сув ичмайди. У ўзига зарур бўлган намликни тумандан олади. Шу боис қалин туман тушган пайтда бу ўсимлик яшаш кетади.

"Чивитутгич венерина" деб аталадиган ўсимлик эса, аллақачон зараркундалар ҳақидаги мультфильмларнинг бош қаҳрамонига айланган улгурган. Гап шундаки, бу ғаройиб ўсимликнинг танасида махсус қопқонсимон инлар мавжуд бўлиб, у муаттар ҳидли ширага тўла бўлади. Одатда, ҳашоратлар ана шу муаттар ҳиддан боши айланиб, қопқонсимон инга ўзларини уради. Ўлжа инга кирган эса, ўсимлик бир лаҳза ичиди қопқонсимон инининг оғзини ёпиб олади.

Шунингдек, табиатдаги "раффлезия" деб аталадиган гул катталиги жиҳатидан дунёда тенгсиз бўлиб, унинг диаметри 2 метр ва ундан ортиқ ҳажми эгаллайди. Бу гулнинг яна бир алоҳида хусусияти шундаки, унинг танасида гулдан бошқа ҳеч вақо бўлмайди. Бундан ташқари ундан доимий равишда бадбўй ҳид аниқ туради. Буни қаранги, у шу хусусияти орқали чивин ва бошқа ҳашоратларни ўзига жалб қилиб, чангланар экан. Қанчалик галакти туюлмасин, уларни чанглаб, атрофга тарқатишда филлар ҳам муносиб улуш кўшади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, уруғлари етилгач, "раффлезия" гулининг чангои каттақон шар шаклига қиради. Филлар эса, унинг ёнидан ўта туриб, тегиб кетаверади. Натижанда гулнинг уруғлари атрофга сочилади. Шунинг учун ҳам филлар юрадиган йўллар бўйини "раффлезия" гуллари қоплаб олган.

Катталиги жиҳатидан "раффлезия"дан кейин иккинчи ўринда турадиган "amorphoalluу titanu" сўзлашув тилида ўлиқгул деб аталади. Бу гул бежизга бундай ном олган. Чунки ундан мудом қўланас хид таралиб туради. Ажабланарлиси, бу гул қирқ йилгача яшаса-да, атиги икки марта гуллайди. Шу боисдан

ҳам уни айни гуллаган пайтда учратган маҳаллий аҳоли ўзини омадли ҳисоблайди.

Табиатнинг сирли томони шундаки, гуллар орасида ҳатто рақса тушадиган гуллар ҳам учрайди. Бугунги кунда фанда "Codariocalyx Motorivу" номи билан машҳур бўлган гул қадимдан, аниқроғи, биолог олим Чарльз Дарвин давридан маълум. Бу ўсимлик ўзининг бутун ҳатти-ҳаракатлари билан кузатувчиларни лол қолдиради: унинг нафис барглари худди гўзал рақс уйғор этаётгандек таассурот уйғотайди. Айниқса, кўёш нурлари баралла тушганда, гулнинг барглари шундай жилваланиб ҳаракатга тушадик, киши бу ҳайратомуз манзарадан кўз узолмай қолади.

Табиатда яна шундай бир антиқа ўсимлик учрайдики, у ўз тупроғидан бошқа жойни асло тан олмайди. Бу Жанубий Африкада ўсадиган "Euphorbia obesa" номи гулдир. Бу гул ташкил кўриниши билан қопқонсимон фақат табиийлиги билан фарқ қилади, холос. Шу боисдан уни бейсболистлар учун ўсади, деб ҳазил аралаш эътироф этишади табиат ишқибозлари. Бу гул бошқа минтақаларда учрамайди, экканда ҳам ўсмайди.

Айтиш керакки, ана шундай жой танлайдиган гуллардан яна бири — баобабининг саккизтагина тури Мадагаскар, Африка ва Австралияда ўсади. Силлиққина қориндор, худди сувга тўлдирилган мешни эслатадиган бу ўсимлик ўз танасига 300 литргача сувни тўплай олади. Қурғоқчиликка чидашнинг бундай усулини бошқа бирон ўсимлик такрорлай олмайди. Шу тўғрисида бу дарахт беш юз йилгача умр кўради.

Буни қаранги, табиатда "аждаҳо" деган ном тарқатган антиқа дарахт ҳам учрайди. Яман давлати ҳудудида ўсадиган бу ўсимликнинг кўриниши жуда ажаб-товур тусда бўлади. Янада қизиқарлиси, унинг танасидан қип-қизил шарбат сизиб чиқади. Ўрта аср олимлари бу ўсимликни илк бор кашф этганларида, уни ярим жонзот, ярим ўсимлик деб ҳисоблашган. Унинг шарбати узок вақт мобайнида кўпгина касалликларга шифобахш малҳам сифатида қўлланилган. Ҳозир ҳам унга илос қиладиганлар топилади.

Жанубий Африкада Марказий Америкада учрайдиган "ми-мока" гули эса, уятчанлиги билан киши эътиборини ўзига тартади. Яъни унга бирон нарса туйқус тегиб кетса, у шу заҳотиёқ ёпилиб олади, ҳамма барглари тўкилиб, нобуд бўлгандек тусга қиради. Аммо бир неча дақиқадан сўнгра яна ўз ҳолига келади.

Интернет материаллари асосида Сафар Оллоёр тайёрлади

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Жорий йилда ҳам уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар юмушини енгиллаштириш орқали обод турмуш тарзини барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аёллар ҳаққуқуқларини кафолатловчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий механизм яратилди. Ўтган йиллар мобайнида "Оила", "Она ва бола", "Соғлом авлод", "Сиҳат-саломатлик", "Мустаҳкам оила" йиллари эълон қилинган ҳамда бунга доир давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, муҳим чора-тадбирлар амалга изчиллик билан жорий этилган аёлларга кўрсатилаётган ҳечқанда ҳамхўрликларнинг ёрқин намунаси дейиш мумкин. "Обод турмуш йили" деб ном берилган жорий йилда ҳам аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, ҳаётда барча эзгу интилишлар илм ўрганиш, саъй-ҳаракат ва фидойилик билан юзага чиқади. Келажаким обод бўлсин, деган киши айниқса, аёлларимиз ўзини ҳар хил қинғир ишларга қўл уришдан тияди. Бир сўз билан айтганда, диёнатли инсон ҳалолликни

Ҳалол меҳнат



умрининг мезони, деб билади. Аммо Баҳор Хусанова (исм-шарифлар ўзгартирилган) икки нафар фарзанднинг онаси эканига қарамай нафс қутқусига учиб, жиноий қилмишга қўл урди. У 27 грамм героин гиёҳвандлик моддасини сотиш мақсадида Тошкент шаҳрига келганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди. 2008 йил 5 сентябрда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди томонидан Б.Хусанова Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан айбдор, деб топилди, етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. 2011 йилнинг 12 октябрида жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ақри-мига асосан, Жиноят кодексининг 74-моддасига кўра, Б.Хусанованинг ўталамай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазоси оилак иш ҳақининг йигирма фоизини давлат фойдасига ундириш шартини билан

ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилади.

Аслида бу — Б.Хусановага хатосидан хулоса чиқариб, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олишига, билдирилган ишончини ҳалол меҳнат билан оқлашга берилган имконият эди. Бироқ Б.Хусанованинг сўқир кўзлари очилмаган экан. Чунки у яна нопок қилмишга қўл урди.

Гап шундаки, у тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум кимсга кўп миқдорда гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида томорқасида сақлаб келади. 2012 йилнинг 18 июнь кунини 181,51 грамм кўп миқдордаги "Омий" гиёҳвандлик моддасини Самарқанд шаҳрига олиб келиб, 1 миллион 200 минг сўмга сотмоқчи бўлган вақтида вилотат бошқона бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд ҳайъати судланувчи Б.Хусанова муқаддам қасддан жиноят со-

дир этиб, такроран шундай жиноятга қўл ўрганини, жиноятнинг ижтимоий хавфлигини, сотишга мўлжалланган гиёҳвандлик моддасининг тури ва миқдорини эътиборга олиб, Б.Хусановани жамиятдан ажратмасдан қайта тузатиш имконияти мавжуд эмаслигини эътироф этди.

Суд судланувчи Б.Хусановани Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топиб, унга нисбатан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Жиноят кодексининг 60, 61-моддаларига асосан Б.Хусановага нисбатан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судининг 2008 йил 15 сентябрдаги Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан тайинланган жазонинг ўталамай қолган 2 йил 10 ой 20 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси суд томонидан тайинланган жазога қисман қўшилиб, қатъий ўтлаш учун узил-кесил 10 йил бери ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Дарҳақиқат, меҳнат қилмасдан ҳеч қачон ижобий натижага эришиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни мақолада келтириб ўтган аёл қисматидан ҳам англашимиз қийин эмас. Шу боис аёлларга кўрсатилаётган ҳамхўрликлар, уларга яратилаётган имконият ва шарт-шароитлардан тўлиқ фойдаланиб, ҳалол меҳнати билан яшаган кишининг юзи доимо ёруғ бўлишини унутмаслик керак.

Азам САЙФИДИНОВ,
ж.ноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси
Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2313-6123



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ

Шерали РАҲМОНОВ

Боқижон ЯҲЁЕВ

Мавжуда РАЖАБОВА

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Омонбой ОҚОЛОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Арислон УСМАНОВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор

ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод

ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзиллиги: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.

E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-416. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

Сотувда эркин нарҳда. Адади: 7274.

1 3 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰